

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 453-ҳадис

1. 453. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшиздим:

«Аллоҳ таоло деди: Эй Одам боласи, модомики, сен Менга дуо қилиб, Мендан умидвор турар экансан, нима гуноҳ қилган бўлсанг-да, парво қилмасдан мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар гуноҳинг булатларга қадар етса-да, Менга истиғфор айтсанг, сени мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар сен ҳузуримга ер юзини қоплайдиган гуноҳлар билан келсанг ва Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда рўбарў бўлсанг, Мен сени ер юзини қоплайдиган мағфират билан қарши оламан!».

Имом Термизий ривояти. Ҳасан ҳадис.

Манба: hadis.islom.uz



